XALQ DEPUTATLARI ANDIJON VILOYATI KENGASHINING QARORI

Andijon shahar, Abdurauf Fitrat ko`chasi 239-uy

2022 - yil 6 - yanvar VI-30-1-1-0-K/22 Andijon viloyati hokimligi

Андижон вилояти бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ-6121-фармонининг 1-бандига мувофиқ вилоят молия бош бошқармаси ва давлат солиқ бошқармасининг “қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” лойиҳаси бўйича киритган таклифлари муҳокама этиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 24-моддаларига асосан халк депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 8 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллаш тўғрисида”ги 06/04-01-32/2248 ва 19/10-68220- сонли қўшма хатида қуйидагилар,

Ер солиғининг амалдаги солиқ ставкалари 2022 йилда 1,07 бараварга индексация қилиниши кутилаётганлиги;

Андижон вилояти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича юридик шахсларга 1 га учун 35,0 млн.сўм ва жисмоний шахсларга 1 кв.м учун 320,0 сўм базавий солиқ ставкаси белгиланиши кўзда тутилганлиги;

Келгуси йил базавий солиқ ставкасига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи

коэффициентлар қўллашда кейинги йил маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан келиб чиқиш бўйича тавсиялари маълумот учун қабул қилинсин.

2.“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” миқдорларини белгилаш бўйича Молия бош бошқармасининг ҳамда вилоят Давлат солиқ бошқармасининг қўшма таклифи маъқуллансин.

3. Мазкур қарор билан:

Андижон вилояти ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ,

Андижон вилояти ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда:

Солиқ идораларига жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги;

туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига вилоят халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳокимлиги (О.Турсунов), вилоят молия бош бошқармаси (С.Рахманов), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов) 3 кун муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган коэффициентларни шаҳар ва туманларга етказилишини таъминласин.

5. Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари 1 ҳафта муддатда ушбу қарорнинг иловаси асосан белгиланган солиқ ставкаларига ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаш бўйича муҳокамалар ўтказиб, жорий йилнинг 1 декабрига қадар муҳокамалар якуни бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларни жойлардаги солиқ органларига тақдим этсин.

6. Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари ушбу қарорнинг иловасига асосан белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни келгуси йил учун маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан ҳамда мамлакатимизда иқтисодий фаолликнинг тикланганлиги ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг даромадлари барқарорлашганлигидан келиб чиқиқан ҳолда қўллашлари тавсия этилсин.

7. Андижон вилояти Давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов) ер солиғи бўйича тасдиқланган солиқ ставкаларини барча солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали етказилишини таъминласин.

8. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов) ҳудудий солиқ органлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

Солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ўз вақтида бюджетга ундирилишини назоратга олиб бориш;

тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлаш;

ер солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташкил этиб борсинлар.

9. Мазкур қарор “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталарида эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (М.Абдулазизов) ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (О.Турсунов) зиммасига юклатилсин.

Xalq deputatlari Andijon viloyat Kengash raisi o'rinbosari **Nurmatov A. A.**

Халқ депутатлари Андижон вилоят
Кенгашининг
2022 йил 6 январдаги
VI-30-1-1-0-K/22-сон қарорига
1-илова

Андижон вилояти шаҳар ва туманлар бўйича юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари учун ер солиғининг базавий ставкасига нисбатан Андижон вилояти халқ депутатлари кенгаши томонидан белгиланган коэффициентларга мувофиқ қўлланилиши лозим бўлган солиқ ставкалари

Шаҳарлар ва туманлар номи	**Коэффицент миқдори**	***Солиқ суммаси (1 гектар учун, сўмда)**
Андижон шахар	1,03	36 050 000
Хонобод шахар	1,01	35 350 000
Олтинкўл тумани	1,00	35 000 000
Андижон тумани	1,01	35 350 000
Балиқчи тумани	1,00	35 000 000
Бўстон тумани	1,00	35 000 000
Булоқбоши тумани	1,00	35 000 000
Жалақудуқ тумани	1,00	35 000 000
Избоскан тумани	1,00	35 000 000
Улуғнор тумани	1,00	35 000 000
Қўрғонтепа тумани	1,01	35 350 000
Асака тумани	1,01	35 350 000
Марҳамат тумани	1,00	35 000 000
Шаҳрихон тумани	1,01	35 350 000
Пахтаобод тумани	1,00	35 000 000

*Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасига мувофиқ, Андижон вилоятида юридик шахслар учун қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича ер солиғининг базавий ставкаси 1 гектар учун 35,0 млн.сўм қилиб белгиланган. Қўлланилиши лозим бўлган солиқ суммаси базавий ставкани коэффициентга кўпайтириш орқали аниқланади.

Халқ депутатлари Андижон вилоят
Кенгашининг
2022 йил 6 январдаги
VI-30-1-1-0-K/22-сон қарорига
2-илова

Андижон вилояти шаҳар ва туманлар бўйича жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари учун ер солиғининг базавий ставкасига нисбатан Андижон вилояти халқ депутатлари кенгаши томонидан белгиланган коэффициентларга мувофиқ қўлланилиши лозим бўлган солиқ ставкалари

Шаҳарлар ва туманлар номи	**Коэффициент миқдори**	**Солиқ суммаси (1 кв.метр учун, сўмда)**
Андижон шахар	1,03	329,6
Хонобод шахар	1,01	323,2
Олтинкўл тумани	1,00	320,0
Андижон тумани	1,01	323,2
Баликчи тумани	1,00	320,0
Бўстон тумани	1,00	320,0
Булоқбоши тумани	1,00	320,0
Жалақудуқ тумани	1,00	320,0
Избоскан тумани	1,00	320,0
Улуғнор тумани	1,00	320,0
Қўрғонтепа тумани	1,01	323,2
Асака тумани	1,01	323,2
Марҳамат тумани	1,00	320,0
Шаҳрихон тумани	1,01	323,2
Пахтаобод тумани	1,00	320,0
Хўжаобод тумани	1,00	320,0

*Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 437-моддасига мувофиқ, Андижон вилоятида жисмоний шахслар учун қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича ер солиғининг базавий ставкаси 1 кв.метр учун 320,0 сўм қилиб белгиланган.
Қўлланилиши лозим бўлган солиқ суммаси базавий ставкани коэффициент миқдорига кўпайтириш орқали аниқланади.